

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯ АСОСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Сотволдиева Орзигул Маъруфжон қизи**

Фарғона давлат университети  
педагогика ва психология факултети 3-курс талабаси

**Махаммаджонов Жаҳонгир Зокиржон ўғли**

Фарғона давлат университети  
педагогика ва психология факултети 2-курс талабаси

**Собирова Азизахон Марибжон қизи**

Фарғона давлат университети  
педагогика ва психология факултети 2-курс талабаси

***Аннотация:** Мазкур мақолада синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг мақсади ва вазифалари хуқуқидаги мулоҳазалар баён этилади.*

***Калит сўзлар:** мактабгача таълим, интеграция, тарбиячи, болалар, таълим, маънавий-ахлоқий тарбия, тарбия усуллари, ижодий баркамолликка эришиш, интеллектуал, ахлоқий тарбия, эстетик ҳислар, жисмоний ривожлантириш.*

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим - тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур»нинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари қаторида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш белгиланган. Қарорга кўра, мактабгача таълим тизимини танқидий

Ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилган ҳамда унинг асосий вазифалари қаторида қуйидагилар белгиланган: мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, сифатли мактабгача таълимни ташкил этишда давлат талабларини қайта кўриб чиқиш; мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Республикамизда бугунги кунда мактабгача таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим, касб-ҳунарларни эгаллаши, маънан-ахлоқан, жисмонан йетук инсонлар бўлиб улғайиши, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётини нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” устувор вазифа этиб белгиланган. Мана шу устувор вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда мактабгача таълимни янада ривожлантириш, унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинд. Маълумки, мактабгача ёшдаги боланинг онгига сингдирилган билим ва маънавий қадриятлар унинг келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли ўзаро ва оиладаги муносабатлар, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш, болалар тарбиясида миллий тарбия усуллари ва замонавий педагогларнинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш, уйғун ривожланган бола шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

М.Кошғарий, У.Кайковус, А.Н.Форобий, алХоразмий, Абу Али Ибн Сино, А.Навоий каби шарқ мутафаккирларимизнинг нодир асарларида келтирилган алла, ертак, мақол, топишмоқларга ва халқ тилидан ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди намуналари орқали сингдирилади. Мактабгача таълим муассасасининг «Илк қадам» Давлат ўқув дастурида белгиланганидек, ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборат. Мазкур ҳужжатда мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим 4та компетенцияси акс еттирилган: коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш; ўйин

компетенсияси – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиш, у ўқув-тарбиявий жараён учун асос ҳисобланади; ижтимоий компетенсия – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тутиш; билиш компетенсияси – атроф оламни онгли идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни бажариш учун фойдаланиш.

Боғча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни уч босқичга ажратиш мумкин: - биринчи давр - бу 3-4 ёш оралигида бўлиб, бола эмоционал жиҳатдан ўз– ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқдир; - иккинчи давр - бу 4-5 ёшни ташкил қилиб ахлоқий ўз–ўзини бошқариш; - учинчи давр эса шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятининг шаклланиши билан характерланади. Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи сифатида, уларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, кузатиш, тақлид қилиш жараёнида, шунингдек, катталарнинг айниқса, оналарнинг мақтови ва танқидлари таъсирида ўтади ва мустақамланади. Бола доимо баҳо, айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовлар боланинг муваффақиятга еришишга бўлган ҳаракатларининг ривожланишида, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти ҳамда унинг касб танлашида аҳамияти жуда каттадир.

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграл тарзда маънавий ахлоқий тарбиясини ташкил этиш аниқ мақсадга қаратилган яхлит педагогик жараён бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинади: Мактабгача таълим ёшидаги болаларга маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳамда ахлоқий муносабатлар моҳияти ва уларнинг ижтимоий жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида маълумот берилади.

2.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий тушунчаларни егаллашга бўлган еҳтиёжни юзага келтириш, маънавияхлоқий онгни қарор топтириш.

3.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ижобий мазмундаги маънавий-ахлоқий сифатлар (ватанпарварлик, меҳнацеварлик, гўзалликни хис қилиш, гўзаллик яратишга интилиш, ростгўйлик, озодалик, орасталик, ўзаро дўстлик, ахиллик, ширинсўзлик, сахийлик, жасурлик ва ҳокозоларни) қарор топтириш.

4.Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий мазмундаги хулқатвор, характер ва иродани шакллантириш.

5. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш. Ушбу вазифаларни амалга оширишда мактабгача таълим муасссаларидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий муаммолар, мактабгача таълим ёшидаги болаларни интеграциялашган машғулотларда маънавияхлоқий тарбиялаш тизимига хизмат қилувчи ижобий омиллар билан бирга ундаги педагогик муаммоларни ҳам аниқлашга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда боғча ёшидаги даврининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврда болаларда характер ҳислатларининг намуналари шаклланиб ахлоқий характернинг асослари вужудга келади. Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. Шундай экан, бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мактабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга мактабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг баркамол ва етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутаяди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://old.lex.uz/docs/>;
2. <https://anticorruption.uz/uz/item/what-is-corruption>;
3. Vazirlar Mahkamasining “Tibbiyot xodimlari malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash tizimini takomillashtirish to‘g‘risida” 2009-yil 18-dekabrda 319-son qarori;
4. O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi O‘RQ-684-sonli “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonuni;
5. Egamberdiyev, O. A. O., Turdaliyev, A. Y. O., & Maxamadjonov, J. Z. O. (2021). Kasbiy kompetentlikni shakllantirishning pedagogik asoslari. *Science and Education*, 2(11), 985-991.
6. Zarnigor, R. A. Q., Egamberdiyev, O. A. O. G. L., & Sotvoldiyeva, O. M. R. Q. (2021). Pedagogik kompetentlikning: nazariy va amaliy tahlili. *Science and Education*, 2(9), 309-314.
7. Egamberdiyev, O. A. O., Sotvoldiyeva, O. M. Q., & Turdaliyev, A. Y. O. (2021). PEDAGOGIK MAHORATNING MUAMMOLI O‘ZLASHTIRISH YO‘LLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 535-542.

8. Yusufovich, A. A., & O'G'Li, E. O. A. (2022). BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOIK ASOSLARI. *Science and innovation*, 1(B3), 40-46.

9. Alisher o'g'li, E. O. (2022). O 'ZBEKISTONDA MADANIYAT VA SAN'AT TARIXI MASALALARI. *Journal of new century innovations*, 14(3), 33-36.

10. Alisher o'g'li, E. O. (2022). O'QUVCHILARNI TANQIDIY FIKRLASHGA O'RGATISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. *Journal of new century innovations*, 4(1), 52-59.

11. Alisher o'g'li, Y. O. (2022). IJTIMOY MUHITNING SHAXS RIVOJLANISHIGA TA'SIRI. *PEDAGOGS jurnali*, 18(1), 220-225.

12. Yusufovich, A. A. (2020). ISSUES OF FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE, WHICH IS AN INTEGRAL PART OF PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL TRAINING OF FUTURE TEACHERS IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, 8(7).

13. Tojimamatov, J., & Egamberdiyev, O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON.

14. Egamberdiyev, O., Kholdarova, Z., & Khusanova, M. (2022). THE ORDER OF THE APPEARANCE OF THE PEOPLE'S DIPLOMACY OF THE GREAT SILK ROAD COUNTRIES.

15. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). NEED TO FORM CREATIVE COMPETENCE IN EDUCATORS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 162-165.

16. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE EDUCATIONAL ACTIVITY OF EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 166-169.

17. ugli Egamberdiyev, O. A., ugli Maxamadjonov, J. Z., & kizi Sobirova, A. M. (2022). DIFFERENT APPROACHES TO THE DEVELOPMENT OF CHILDREN'S SPEECH. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(3), 158-161.

18. Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.

19. Oyatillokh Alishero'g'li, E. (2022). Ways and Methods of Formation of Communicative Competence in Future Teachers. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 63-65.

20. Iqboljon O'g'li, T. J., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). THE IMPORTANCE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH OF A PERSON. *PEDAGOGS jurnali*, 9(3), 4-7.

21. Alisher o'g'li, E. O. (2022). Issues of Retraining and Professional Development of Pedagogical Personnel. *The Peerian Journal*, 5, 192-194.

22. Yusufovich, A. A., & Alisher o'g'li, E. O. (2022). PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL OPPORTUNITIES FOR THE FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN FUTURE TEACHERS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(6), 1157-1161.